



№ 25/3-1350-сон
2021-yil. «28» 02

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

2021 йил 11 июндаги
32-11-сон топшириғига

Вазирликнинг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлар дастурининг 69-бандига асосан Тошкент шахридаги Инха университетида 2021 йил 28 июль куни “Ҳавфсизлик ва жамоатчилик тартибини таъминлаш бўлими фаолиятини тартибга соловчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мавзусида”ги ўтказилган видеоконференция тарзидаги йиғилиш маълумотлари PDF ва PPTX иловалар орқали юборилмоқда.

Ҳавола: <https://inha.uz/pages/247>

PDF-иловалар сони: 3 бет.

PPTX-слайдлар сони: 7 бет.

Проректор

Т.Турсунмуратов

Ижрочи: Т.Худайберганов
Тел: 71 2899999 (ички ракам 0-503)



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳридаги Инҳа
университети Маънавий
маърифий ишлар бўйича
проректори

Т.Турсунмуратов
«28» 07 2021 йил



Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида “Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлимининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушинтириш” мавзусида
ўтказилган онлайн йиғилиши
БАЁННОМАСИ

Сана 28.07.2021 йил.

соат 11:00 да

Тошкент шаҳри.

Раислик қилувчи:

Т.Турсунмуратов – Проректор

Қатнашдилар:

Н.Исамухамедова- Рекрутинг ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими бошлиф в.б

Х.Акрамова - Юридик бўлими бошлиги

И.Юлдашев - Юридик бўлими бош юрисконсульти ҳамда университетнинг барча бўлим бошликлари ва масъул мутахассислари.

КУН ТАРТИБИ

Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими иш фаолияти билан таништириб ўтиш

T.Tурсунмуратов, T.Худайберганов, X.Акрамова ва T.Матчанов сўзга чиқдилар

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (кейинги ўринларда- Университет) проректори йиғилишни очиб берди, шундан сўнг Университет Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими бошлиги Т.Худайберганов сўзга чиқиб, **Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2014 йил 24 март кунидаги ПҚ-2155-сонли “Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ташкил топиши тўғрисидаги” қарори билан таништириб ўтди.** Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети худуди ва биносига кириш-чиқишни назорат қилиш бўйича тузилган йўриқномага асосан бинога ва ҳудудга ходимларнинг, ишчи-хизматчиларнинг, фуқароларнинг ва бегона шаҳсларнинг кириш ва чиқиши, транспорт воситалари, мебель, инвентар ва бошқа моддий қийматликларга эга бўлган буюм ва жихозларни маҳсус руҳсатномага асосан киритилиши ва олиб чиқилишини тартибини белгилаши тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек

Университет худуди ва биносига ходимларининг хизмат гувоҳномалари ва талабаларнинг ID карталари билан;

Таклиф қилинган фуқаролар ва бошқа шаҳсларнинг бинога кириши постдаги кириб-чиқиши қайд қилиш китобига шаҳсини тасдиқловчи хужжат асосида рўйхатга олиниши;

Меҳмонларни кутиб олиш ва уларга хамрохлик қилиш топширилган хизматчи олдиндан уларни кутиб олади ҳамда меҳмонларнинг ҳудудга кириш ва чиқишлиарини таъминлайди. Чет эл делегацияси аъзоларининг рўйхати уч нусхада белгиланган тадбирлардан уч кун олдин ушбу тадбирни ўтказиш учун маъсул бўлим томонидан ишлар бошқарувчисининг имзоси билан хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлимига топширилиши;

Дам олиш ва байрам кунлари, шунингдек иш вактидан ташқари қабулга келганларни биноларга киритиш университет раҳбарлари ёки навбатчи ходим томонидан амалга оширилади ва улар биринчи постда навбатчи хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими ходими томонидан кириб-чиқиши қайд қилиш китобига рўйхатга олиниб, кириш-чиқиш вақти белгилаб қўйилиши;

Шунингдек университет худуди ва биносига киришга хақли бўлган идоралар билан таништириб ўтилди.

- Президент Девони маъсул ходимлари;
- Олий Мажлис маъсул ходимлари;
- Вазирлар Маҳкамаси маъсул ходимлари;
- Олий мажлис депутатлари;
- Ички ишлар вазири ва ўринбосарлари;
- ДҲХ куратори ва ходимлари;
- Олий судлар раислари ва ўринбосарлари;
- Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталарининг раислари ва ўринбосарлари;
- Адлия вазири ва унинг ўринбосарлари;
- Тошкент шаҳар ва вилоятлари ҳокимлари хақлидирлар.

Шундан сўнг Юридик бўлими бошлиги Х.Акрамова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасида хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини саклаш, содир бўлиши мумкин бўлган ФВ олдини олиш борасида қабул килинаётган хукумат қарорлари ва фармойишлари билан таништириб ўтди.

Университет Рекрутинг ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими бошлиги в.б Н.Исамухамедова ўз сўзида университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи хизматчиларини хавфсизлигини таъминлаш энг асосий омиллардан бири эканлиги тушинтириб ўтилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳамда берилган топшириклар асосида йигилиш **қарор қилди**:

1.Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими бошлиги Т.Худайберганов қоровул хизмати томонидан фуқароларни униаерситет ҳудудига кириш-чиқиши, университетга олиб келинаётган ва олиб чиқиб

кетилаётган моддий бойликларни тегишли рухсатнома орқали амалга оширилишини назоратга олсин.

2.Рекрутинг ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи в.б Н.Исамухамедова университет Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими билан хамкорликда ишлаши ва қонун бузилишига йўл қўймаслиги тушинтириб ўтилсин.

3.Ушбу баённома ижросини назорати проректор Т.Турсунмуратов зиммасига юклатилсин.

Баённомани тузувчи

Х.Расулов

